

Impact Factor: 5.479

ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special
Issue 2

2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-
исследовательский центр
Имам Бухари при Кабинете
Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International
Research Center under the
Cabinet of Ministers of the
Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

2 MAHCYB COH

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL
SPECIAL ISSUE 2

Jurnal bir yilda 4
marta nashr qilinadi.



Журнал выходит
4 раза в год.



The journal is published
4 times in a year.



ISSN: 2181-9505
DOI: 10.26739/2181-9505



2022

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

№SI-2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-2>

Tahrir kengashi:

Abdildina, R.J. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

Askarov, T.A. — Qirg'iziston FA akademigi, f.f.d., professor

Bazarbayev, J. — O'zbekiston FA akademigi, f.f.d., professor

Bashimov, V.V. — Turkmaniston milliy ta'lim instituti direktori

Werner Bush — dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)

Mamedzade, I.R. — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor

Morevedge, P. — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor

Nisanbayev, A.N. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

Skarantino, L.M. — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)

Smirnov, A.V. — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA "Falsafa" instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)

Tursunov, A. — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)

Tsuy Veyxan — Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)

Chumakov, A.N. — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy - tadqiqot markazi

O'zbekiston falsafa jamiyati

OOO tadqiqot.uz

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar ro'yxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrda 260/7 sonli bayonnoma

Ro'yxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.

Bosh muharrir:

Shermuhamedova, N.A., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Bosh muharrir o'rinbosari:

Muhamedova, Z.M., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mas'ul muharrir:

Safayeva, S.X., — f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Tahrir hay'ati:

Allahyarova, T. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Andirjanova, G.A., — s.f.d., professor (Qozog'iston)

Abasov, A. S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Ahamer, G. — PhD, professor (Avstriya)

B.K. Santosh Kukreja, — DSc, professor (Hindiston)

Bodio Todeush, — s.f.d., professor (Polsha)

Bilalov, M. I., — f.f.d., professor (Rossiya)

Berna, A., — PhD, professor (Turkiya)

Vefa Tashdelen, — f.f.d., professor (Turkiya)

Gabitov, T. X. — f.f.d., professor (Qozog'iston)

Guseynov, S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Gezalov, A.A., — f.f.n., professor (Rossiya)

Ivatova, L.M., — s.f.d., professor (Qozog'iston)

Kurmangaliyeva, G.K., — f.f.d., professor (Qozog'iston)

Lazarevich, A.A., — f.f.n., professor (Belorussiya)

Muzaffarov, M. — f.f.d., professor (Tojikiston)

Morevedge, R. — DSc, professor (AQSH)

Naushanbayeva, A., Hakimogli, — PhD filol., professor (Turkiya)

Olatunji Felix. O. — DSc., professor (Nigeriya)

Paxruddinov, Sh. I., — s.f.d., professor (O'zbekiston)

Sadikova, N.N., — f.f.d., professor (Tojikiston)

Saifnazarov, I.S., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Sergeyev, M.Y., — PhD, professor (AQSH)

Telebayev, G.T., — f.f.d. professor (Qozog'iston)

To'rayev, B. O., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Urmanbetova, J.K., — f.f.d., professor (Qirg'iziston)

Chjan Baychun, — f.f.d., professor (Xitoy)

Shadmonov, Q.B., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Fishier, A. — f.f.d., professor (Fransiya)

Yaxshilikov, J. — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Yaskevich, Y.S., — f.f.d., professor (Belorusiya)

Ilmiy kotib:

Mahkamov, U. (O'zbekiston)

Musahhihlar:

Xidirov, M.T., (O'zbekiston)

Hamdamova, S. (O'zbekiston)

Madiyorova, V. (O'zbekiston)

Saurov, R.R., (O'zbekiston)

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

№SI-2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-2>

Редакционный совет:

Абдильдина, Р. Ж. - академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор

Аскарров, Т. А. - академик АН Киргизистана, д.ф.н., профессор

Базарбаев, Ж. - академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор

Башимов, В. В. - директор национального института образования Туркменистана

Вернер Буш. - экс президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)

Мамедзаде, И. Р. - д.ф.н., профессор, директор института “Философии и социологии” АН Азербайджана

Мореведж, П. - DSc. профессор, руководитель GSP США

Нысанбаев, А.Н. - академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор

Скарантино, Л. М. - президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)

Смирнов, А. В. - академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)

Турсунов, А. - академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор

Цуй Вэйхан - Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)

Чумаков, А. Н. - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

Учредители:

Международный научно-исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана,
ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабря протокол №260/7

Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана

Главный редактор:

Шермухамедова, Н. А. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель редактора:

Мухамедова, З. М. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ответственный редактор:

Сафаева, С. Х. - к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Редакционная коллегия:

Аллахярова, Т. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Андиржанова, Г. А. - д.п.н., профессор (Казахстан)

Абасов, А. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Ахамер, Г. - PhD, профессор (Австрия)

В.К.Сантош Кукреджа. - PhD, профессор (Индия)

Бодио Тодеуш. - д.п.н., профессор (Польша)

Билалов, М. И. - д.ф.н., профессор (Россия)

Берна, А. - PhD.- профессор (Турция)

Вефа Ташделен - д.ф.н., профессор (Турция)

Габитов, Т. Х. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Гусейнов, С. -д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Гезалов, А.А. - к.ф.н., профессор (Россия)

Иватова, Л. М. - д.п.н., профессор, (Казахстан)

Курмангалиева, Г. К. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Лазаревич, А А - к.ф.н., профессор (Беларусия)

Музаффаров, М. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Мореведж, Р. — DSc, профессор (США)

Наушабаева, А., Хекимоглы - PhD, профессор (Туркия)

Олатунжи Феликс О. — DSc, профессор (Нигерия)

Пахруддинов, Ш.И. - д.п.н., профессор (Узбекистан)

Садикова, Н. Н. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Саифназаров, И.С. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сергеев, М. Ю. - PhD, профессор (США)

Телебаев, Г.Т. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Тураев, Б.О. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Урманбетова, Ж. К. - д.ф.н., профессор (Киргизистан)

Чжан Байчун - д.ф.н., профессор (Китай)

Шадманов, К.Б. - д.ф.н. профессор (Узбекистан)

Фишлер, А. - д.ф.н., профессор (Франция)

Яхшиликов, Ж. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Яскевич, Я.С. - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

Ученый секретарь:

Махкамов, У. (Узбекистан)

Корректоры:

Хидиров, М.Т. (Узбекистан)

Хамдамова, С. (Узбекистан)

Мадиярова, В. (Узбекистан)

Сауров, Р.Р. (Узбекистан)

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

№SI-2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-2>

Editorial Council:

Abdildina, R.J. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
Askarov, T.A. - academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;
Bazarbaev, J. - academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor
Bashimov B.B. - director of national Institute of education of Turkmenistan
Werner Bush - President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)
Mamedzade, I.R. - director of Institute “Philosophy and sociology” AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor
Morewedge, P. - Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA
Nysanbaev, A.N. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
Scarantino, L.M. - President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)
Smirnov, A.V. - Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)
Tursunov, A. - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor
Tsui Weihan - vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)
Chumakov, A.N. - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

Founders:

Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan OOO tadqiqot.uz

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information

Editor-in-Chief

Shermukhamedova, N.A. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Deputy Editor:

Mukhamedova, Z.M. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Managing editor:

Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)

Editorial team:

Allahyarova, T. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Andirjanova, G.A. - doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)

Abasob, A. S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Ahamer G. - PhD, professor (Austria)

B.K. Santosh Kukredja, - PhD., professor (India)

Bodio Todeus. - doctor of political sciences, professor (Poland)

Bilalov, M.I. - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)

Berna, A. - PhD., professor (Turkey)

Vefa Tashdelen. - doctor of philos. sciences, professor (Turkey)

Gabitov, T.H. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Guseynov, S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Gezalov, A.A. - PhD. of philos., associate professor (Russia)

Ivatova, L.M. - doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)

Kurmangaliyeva, G.K. - doctor of philos., professor (Kazakhstan)

Lazarevich, A. A. - PhD philos., professor (Belarus)

Morewedge, R. - doctor of philology, professor (USA)

Muzaffarov, M. - doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)

Naushanbaeva, A., Hakimogli. - PhD. philos., professor (Turkey)

Olatunji, Felix.O. - DSc, professor (Nigeriya)

Pakhrudinov, Sh.I. - doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)

Sadikova, N.N. - doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)

Saifnazarov, I.S. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Sergeev, M.Yu. — PhD, philos., professor (USA)

Telebaev, G.T. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Turaev, B.O. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Urmanbetova, J.K. - doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)

Zhang Baichun - doctor of philos. sciences, professor (China)

Shadmanov, Q. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Fischler, A. - doctor of philos. sciences, professor (France)

Yaxshllikov, J. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Yaskevich, Ya.S. - doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

Scientific Secretary:

Mahkhamov, U. (Uzbekistan)

Correctors:

Khidirov, M.T. (Uzbekistan)

Hamdamova, S. (Uzbekistan)

Madiyurova, V. (Uzbekistan)

Saurov, R.R. (Uzbekistan)

1. Oripov Xasan Abdivaxobovich СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ПОНИМАНИЯ ЗНАЧЕНИЯ ФЕНОМЕНА СВОБОДЫ СЛОВА В ОБЩЕСТВЕННОМ РАЗВИТИИ.....	8
2. Rakhmonov Sunnatillo Mavlonovich INTERPRETATION A PERFECT HUMAN IN THE TARIKATS MAWLAWI AND NAQSHBANDI.....	13
3. Samadov Aktamkul Rafikovich UNITY OF MORALITY AND AESTHETICS IN PERSONAL MIND: PHILOSOPHICAL ANALYSIS.....	19
4. Abdumajidova Hamida IMPACT OF MODERNIZATION OF THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE ACTIVITY OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS.....	26
5. Бегматова Мўътабар Аскарровна, Усанов Равшан Тураявич МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ.....	30
6. Боймуродов Зоҳид Шокирович ”ТУРМУШ ТАРЗИ” КАТЕГОРИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ЭКСПЛИКАЦИЯСИ.....	35
7. Жураева Дилафруз Жамуродовна “БОБУРНОМА” – ТАБИАТ ЭСТЕТИКАСИНИНГ ИЛК МАНБАСИ СИФАТИДА.....	44
8. Отабаев Икромжон Усмонжанович ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ.....	52
9. Isomiddinov Yuldash Yusubboevich THE SOCIAL PHILOSOPHICAL ESSENCE OF ABDURAUF FITRAT’S SPIRITUAL HERITAGE.....	58
10. Кузиев Нодир Абдусалимович ИПАК ЙЎЛИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ.....	65
11. Мавлонов Илхомжон Холмирзаевич ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ.....	70
12. Султонова Светлана Юриевна ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ШАХСИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ.....	75
13. Сўфиев Абдуҳаким Абдулазизович ТАДБИРКОР ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	82

14. Туробов Бекпулат Нусратуллаевич ШАРҚШУНОС Е.Э. БЕРТЕЛЬС МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА.....	92
15. Турсунова Лайло ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ.....	97
16. Uzakova Lola Abdurashitovna THE STUDY OF PHILOSOPHICO-THEORETICAL VIEWS OF ALISHER NAVOI.....	103
17. Юсупова Феруза Зойировна АХЛОҚИЙ ТАФАККУР РИВОЖЛАНИШИДА ҚАДРИЯТ ВА ИДЕАЛ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ.....	109
18. Maxmudova Aziza BIOETIKA ZAMONAVIY MADANIYATDA INDIVIDUALLIKNI HIMOYA QILISH SHAKLI SIFATIDA.....	115
19. Sayidov Qahramon O'ZBEKISTONDA URBANIZATSION RIVOJLANISH (MILLIY VA UMUMBASHARIY XUSUSIYATLAR).....	122
20. Махмудова Азиза, Афанасьева Олеся, Камариддинзода Аминабону ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МИРОВОЗРЕНИЯ И ЦЕННОСТЕЙ У СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА.....	127
21. Ҳамроев Саиджон ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ ТАРИХИДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ МАСАЛАСИ ТАҲЛИЛИ (Платон ва Аристотель қарашлари мисолида).....	136
22. Шарипов Абдухакимжон ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ ВА ТАРАҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ.....	142
23. Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФСИДА ИНСОН ҚАЛБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДИАЛЕКТИКАСИ.....	150




Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси,
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: alfargoniy.uz@gmail.com

ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФСИДА ИНСОН ҚАЛБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДИАЛЕКТИКАСИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7325617>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Шарқ ва Ғарб фалсафасида инсон қалби тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг тадрижий такомиллашуви таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада инсон қалбининг шарқ фалсафий фикрида талқин қилиниши ва инсон тўғрисидаги фалсафий антропологик қарашларнинг шаклланиши баён қилинган. Ғарб фалсафий тафаккури тараққиётида ҳам инсон ботиний олами сир-синоатини ўрганиш, уни англаш долзарб масалалардан бўлиб келган. Шарқдан фарқли равишда Ғарб фалсафаси инсонни билишда соф рационал тамойилларга таянган. Инсон қалбини ўрганиш ғарбда янги даврга келиб янги босқичга олиб чиқилди. Замонавий фалсафада эса, руҳият таҳлили, онгости ва онгсизлик муносабатлари масалалари орқали қалб хусусиятлари ўрганилди.

Калит сўзлар: қалб, жон, рух, руҳият, инсон, нафс, индивидуаллик, илоҳиёт

Калит сўзлар(2): руҳий қувват, маънавий-руҳий олам, инсон қалби, фалсафий антропология, Ғарб фалсафаси, Шарқ фалсафаси, араб-мусулмон фалсафасида

Аннотация: В данной статье анализируется постепенное совершенствование философских взглядов на человеческое сердце в восточной и западной философии. В статье также описывается трактовка души человека в восточной философской мысли и формирование философско-антропологических взглядов на человека. В развитии западной философской мысли актуальным вопросом было изучение и осмысление тайн внутреннего мира человека. В отличие от Востока западная философия исходит из чисто рациональных принципов в познании человека. Изучение человеческого сердца вступило на Западе в новую эру. В современной философии свойства сердца изучались через анализ психики, отношения между сознанием и бессознательным.

Ключевые слова: сердце, душа, душа, психика, человек, похоть, индивидуальность, божественность.

Ключевые слова (2): духовная сила, духовный мир, человеческое сердце, философская антропология, западная философия, восточная философия, арабо-мусульманская философия.

ANNOTATION

This article analyzes the gradual improvement of philosophical views on the human heart in Eastern and Western philosophy. The article also describes the interpretation of the human soul in

Eastern philosophical thought and the formation of philosophical anthropological views about man. In the development of Western philosophical thought, the study and understanding of the mysteries of the inner world of man has been a topical issue. Unlike the East, Western philosophy is based on purely rational principles in the knowledge of man. The study of the human heart has entered a new era in the West. In modern philosophy, the properties of the heart have been studied through the analysis of psyche, the relationship between consciousness and unconsciousness.

Keywords: heart, soul, psyche, man, lust, individuality, divinity

Keywords (2): spiritual power, spiritual world, human heart, philosophical anthropology, Western philosophy, Eastern philosophy, Arab-Muslim philosophy

КИРИШ

Инсон муаммоси қадимдан фалсафанинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган, кўплаб мутафаккирлар томонидан қалбни англашга ва тушунишга, унинг сир-синоатларини билишга ҳаракат қилинган. Инсон эзулик ва ёвузликка мойил ягона мавжудот бўлиб, ўзини мувозанатда сақлай олиши учун ақлга ва бу кучдан фойдалана олиши учун қалбга соҳибдир. Қалб метафизик оламнинг ҳақиқатлари олдида нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга имкон берадиган асосдир. Тадқиқотимизда инсон кўкрак қафасининг чап томонида жойлашган юракни эмас, ундан улуғворроқ тушунча, қалбни тадқиқ қилишни мақсад қилганмиз.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Шарқ фалсафий тафаккурида, хусусан, «Марказий Осиёда қалб, дил, жон, юрак, кўнгил каби тушунчалар бир хил маънода ишлатилади ва борлиқнинг моддий бўлмаган асосини ҳамда инсоннинг моҳиятини англатади»[1;110]. Шуниндек, қалб, нафс ва рух категориялари нозик фарқларга эга маънодош тушунчалар сифатида тарифланади. Фалсафа тарихида инсон қалби ҳақидаги дастлабки қарашлар Қадимги Шарқ мамлакатлари, хусусан Ҳиндистон ва Хитойда яратилган. Ҳинд ведаларида инсон қалби, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати доимо ўзгариб туриши, дунёвий жон нафақат оламнинг, балки инсоннинг ҳам руҳий асосини ташкил қилиши ёзилади. Шунингдек, инсон ҳаёти туғилишдан қайта туғилиш ҳолатида доимо ўзгариб туради. Қайта туғилиш натижасида одам юксалиб, хислатлар ва фазилатлар вужудга келади. Жайнизм фалсафасига кўра, тўғри билимга асосланган эътиқод ва тўғри ҳаётий мўлжал инсон қалбини ҳар қандай заифликдан, айниқса, худбинлик, ичқоралиқдан озод қилади. Буддизм таълимотида қалб хотиржамлигига эришиш учун бу дунё азоб-уқубатларидан ҳалос бўлиш лозимлиги айтилади. Хитой фалсафасидаги даосизм таълимотида орзу-истакни чеклай олмаслик инсон қалбида худбинлик иллатини пайдо бўлишига туртки беради, дейилади. Кишининг худбинлиги нафақат одамдаги, балки оламдаги мувозанатни бузади. Шунингдек, даосизмда гармоник ривожланган инсон табиийликка кўпроқ майли борлиги таъкидланади. Хитой мутафаккири Мэн-цзи фикрича, инсон табиатан эзгу ва у табиий ҳиссиётларга бўйсунди. Сюн-цзи бўлса, инсон табиатидаги жоҳиллик ва ғазаб туғма бўлишини айтади. Қадимги Хитой фалсафасида инсон қалби тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар Конфуций таълимотида янги босқичга кўтарилди. Унинг қарашларига кўра, инсон ўзининг ички моҳиятига кўра бошқаларга яхшилик қилишга, эзуликка мойиллиги бор. Ким ўзининг қалби ва ақли имкониятларидан тўла фойдаланса, ўзлигини намоён қилади. Ўзлигини намоён қила туриб, бутун борлигини намоён қилади. Инсоннинг баркамоллиги ва қалб улуғворлиги олийжаноблик ва ижтимоий тартиб-интизом асосида яратилади. Шундай экан, қадимги Шарқ фалсафасида инсонийликни юксалтириш ва инсон қалбини улуғвор қилиш учун одамлар орасидаги муносабатларни самимийлаштириш зарурлиги таъкидланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида, хусусан араб-мусулмон фалсафасида инсон руҳий оламини ўрганиш, қалбни тадқиқ этиш янги босқичга олиб чиқилди. Ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримда қалб сўзи 133 марта учрайди. Қалб инсоннинг диний ҳақиқатларни англаб оладиган, имон ва тақводорлик хислатлари жо бўлган аъзоси сифатида тавсифланади. Қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради. Қалб инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу

бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради. Суфий ўз қалбини «юмшатиб», илохий билимларни ўзлаштириш учун ўзини тайёрлаб бориши, дунёвий истаклардан воз кечиши зарур. Қалб тушунчаси зикр билан чамбарчас боғлиқ. Зикрда тил билан бирга инсоннинг барча аъзолари қатнашади, қалб эса, улар ичида энг муҳими саналади. Зикр туфайли Оллоҳ суфийнинг қалбидан жой олиб, бажарадиган барча амалларининг бирдан-бир сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучига айлана боради [Фалсафа қомусий луғат –Б.110.]. Демак, ислом динига кўра инсон қалбида яратувчи макон топади ва унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Уйғониш даври Шарқ фалсафасининг йирик вакили Абу Наср Форобий инсон қалбида худди унинг вужудига ўхшаш соғлиқ ва хасталиқ мавжуд бўлишини таъкидлайди. Инсондаги қалб соғломлиги, унинг ички дунёсидаги турли ҳолатлар, бўлақлар орасида уйғунлик вужудга келса содир бўлади. Бундай пайтда инсон турли олийжаноб ишларни қилади. Гўзал хулқ-атвор соҳиби бўлади. Инсон ички дунёсининг ҳолатлари орасидаги мувозанат бузилса, у доим разил ишларни, хунук ҳаракатларни қилишга одатланади. Форобий фикрига кўра, инсон қувватлари ичида ҳукмрон қувват бу қалб қуввати бўлиб, у ақл, сезги ва идрок қувватидан ҳам кучлироқдир. Бошқа бир мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг «Ҳайй ибн Яқзон» қиссида инсон қалбидаги турли салбий, ғайриинсоний иллатлардан тозалашда ақл беқиёс имкониятга эга эканлигини айтади. Лекин айрим ҳолларда қалб тубанлашиши олдида, хусусан, инсон онги ва фаолиятини нафс эгаллаб олади. Бунда ақл ҳам ёрдам бераолмайди. У ўзининг «Соломон ва Абсол» асарида инсоннинг маънавий-руҳий етуқлиги уканинг акага садоқати ёрдамида тасвирланса, инсоннинг қалбан тубанлашуви Абсолнинг акаси Соломоннинг енгилтак, зохирий гўзаллика ўч хотини мисолида очиб берилади. Шунингдек, Ибн Сино инсонни камолотга етказувчи куч-чинаккам муҳаббат эканлигини айтади. Абу Райҳон Беруний фалсафасида ёмонликнинг энг юксак кўриниши ғазаб ва илмсизликдир. Ёмонликни вужудга келтирувчи манбаалардан бири эса ёлғончилик эканлигини айтади. Ёлғончилик инсонни ростгўйлик ва ҳалоликдан, инсоф ва диёнатдан айиради, адолатдан юз ўгиришига асос бўлади. Абу Райҳон Беруний инсонларда яхшилик амалларини шакллантириш учун уларни меҳнатни севишга ўргатиш зарурлигини таъкидлайди.

Инсонийликни белгилаб берувчи фазилатлар, хислатлар, айниқса, инсоннинг маънавий қиёфаси мезонларини аниқлаш, ўрта аср мусулмон фалсафасининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Ҳаёт ҳақиқатини теранроқ англаб, ҳис этган Абу Ҳомид Ғаззолий бутун инсониятга инсон маънавий борлиғи тўғрисидаги қарашлари билан шуҳрат қозонади. Унинг «Қалблар кашфиёти» асари турли азоб-уқубатлар, ғам-ташвишлар ва беҳузурликлар ичида яшаётган инсонлар, жамиятлар ва миллатларга ҳузур ва саодат йўллари кўрсатади.

Абу Ҳомид Ғаззолий нафс калимасини бир неча маъноси борлигини таъкидлайди. «Биринчи маънодаги нафс қораловга лойиқ, чунки у шаҳват хуружлари ва шайтон васвасасига тобе бўлиб, одамдаги барча ёмон сифатларни ўзида мужассам этгандир. Бу хилдаги нафс одатда, «нафси аммора» деб юритилади. Бунда «аммора» сўзи ёмонликка-гуноҳга буюрувчи маъносини англатади. Иккинчи маънодаги нафс мақтовга лойиқ, чунки у Оллоҳнинг зотини ва шу Зот яратган барча нарсани таниб, ибрат олгувчи инсоннинг ўзлигидир. Шаҳват хуружларию шайтон васвасаларини енгиб, Ҳақ амрига бўйсунган бундай нафс «нафси мутмаинна» дейилади. Бунда «мутмаинна» сўзи хотиржам-сокин деган маънони ифодалайди. Шу икки нафс оралиғида яна бир хил нафс ҳам борки, учинчи маънодаги бу нафс таассуфга лойиқдир. Чунки у шаҳвониятни бир ёқлаб, бир унга қарши туради, хуллас, ҳақ-ноҳақ орасида иккиланувчи бўлади. Шу хилдаги нафс «нафси лаввома»деб аталади. Бунда «лаввома» сўзи «маломатгўй» маъносини англатади. Зеро, бундай нафс эгаси Оллоҳга ибодатда қосирлик (қалта нуқсонлилик) қилса, нафси уни маломат этади»[Абу Ҳомид Ғаззолий.–Б.19.].

Булардан аён бўладикки, Ғаззолий фикрича, энг мақбул нафс – нафси мутмаинна, энг номақбул нафс нафси амморадир. Мутафаккир нафси мутмаиннага етишишда нафсни назорат қилиш жуда муҳимлигини, у лоқайдлик, ғафлат ва бепароволикка бошлаши, умрни танбаллик билан ўтказишга ўргатишини таъкидлайди. «Кимки нафсни ўлдириб, уни истакларидан тия олса, раҳмат кафанига ўралади, кимки қалбдаги илохий ва инсоний туйғуларни қатл этса,

лаънат кафанига тикилади ва азоб тупроғига дафн этилади»[Абу Ҳомид Ғаззолий.–Б.19.]. Мутафаккир инсон қалбини тарбиялаш, ундаги эзгу ва ёвуз истаклар курашини бартараф қилиш йўллари ўзининг ислом таълимоти орқали кўрсатиб беради ва қалбни ниҳолга қиёслайди. Ниҳолга кўп сув берилганда қандай сарғайиб сўлса ва ўсишдан тўхтаса, шунга ўхшаб қалб ҳам ортиқча сувдан ўлади, бундай одамда тоза фикр ва инсоний феъл-атворлар қолмайди. У ғафлат афсус-надоматни келтириб чиқаришини ва неъматнинг кўлидан кетишига сабаб бўлишини айтади. Шунингдек, ғафлат ҳасаднинг кучайиши ва кишининг озорланишига сабаб бўлади.

Қадимги Юнон фалсафасида инсон борлиғи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар майдонида сукротнинг ўрни бекиёсдир. «Ўз-ўзингни бил!» шиори – инсон қалбини англаш орқали бутун борлиқни англаш мумкинлигига ишора қилади. У инсон қалбидаги ёвузликлар, бадхулқ майллар, адолатсизликлар билимсизликдан келиб чиқишини айтади. Шунинг учун мустаҳкам билимга эга бўлиш, сукрот тушунтиришича, яхшилик томон бориш, инсонни албатта, бахтга олиб боради. Афлотун инсон тўғрисидаги сукрот қарашларини янада ривожлантиради. Унинг жон ва руҳ ҳақидаги қарашлари инсон қалби тадқиқида қалбни тушунишга ёрдам беради. Унинг фикрига кўра, инсон ўлмас жон ва ўлиб турадиган танага бўлинса, жоннинг ўзи ҳам икки қисмдан - юқори ва қуйи қисмдан иборат бўлади. Олий қисмида ақл-заковат тўпланса, пастки қисм эса ҳис-ҳаяжонга асосланади. Мутафаккир фикрига кўра, жон танада ўзгариб турувчи ҳолатларни: жабру-жафо, жасорат ва кўрқув, ғазаб ва умидни вужудга келтиради. Буларнинг барчаси ҳали англаб олинмаган ҳис-туйғулар ва меҳр-муҳаббат билан қориштириб юборилади. Афлотун фикрича, ҳар бир инсон қалбида кўзга яққол ташланмайдиган ёввойи, ҳайвоний ибтидо ва қарашлар мудраб ётади ва тўқликка-шўхликнинг таъсирида ҳар қандай номус ва ақлни четга суриб қўйиб, ўз ҳирсий хоҳишларини қондиришга интилади. Хаттоки, дастлаб ақлли, хотиржам ва яхши кўрингани билан, унда «... қандайдир даҳшатли, ғайри табиий, ёввойи интилишлар... яширинган бўлади, фақат шундайми деган савол туғилади» [Платон. 1971. –С. 391.]. Афлотун ҳам инсон қалбидаги ҳайвоний истакларнинг юзага чиқишида ижтимоий муҳитнинг ўрнини юқори баҳолайди.

Афлотуннинг шогирди Аристотел фикрича инсон қобилиятни табиатдан оламайди, табиатан яхши ёки ёмон бўлмайди. Яхшилик одат сингари фаолият орқали эришиладиган сифатдир. Яхшиликнинг одатдан фарқи шуки, одат мақсад билан шаклланмайди, яхшиликка эса махсус таълим ва онгли равишда эришилади. Инсоннинг яхши бўлиши оқилона хатти-ҳаракати, тарбияси ва ўз вазифасига эга бўлган муносабатида кўринади.

Ўрта асрлар христиан фалсафаси инсонда худога ўхшаш фазилатлар, ҳислатлар мавжуд эканлигини биринчилардан бўлиб исботлашга ҳаракат қилади ва инсоннинг маънавий-руҳий оламини янада чуқурроқ ўрганишни бошлади. Хусусан, милодий 184 йилда туғилган Христиан илоҳиётчиси ва файласуфи Ориген қарашларида инсон жон, қалб ва танадан иборат бўлиши айтилади. Унинг фикрига кўра, инсон жони ўзига боғлиқ эмас, чунки у Худо томонидан инъом этилади, ҳар доим яхшилик ва ҳақиқат томон интилади. Қалб кишининг ўз «мен» идир ва инсонда индивидуаллик бошланаётганлигидан далолат беради. Оригеннинг тушунтиришича, худди ўша қалб, яхшилик ва ёмонликни танлаб олади. Ўз табиатига кўра, у ҳамиша жон олдида, тана эса-қалб олдида қарздордир. Лекин қалб ўзида икки кутбни-яхшилик ва ёмонликни мужассамлаштиргани учун улар баъзан ўрин алмашиб туради ва инсонда турли хавас ва иштиёқлар уйғонади[Рузматова Г. 2014. –Б. 264.]. Шундай экан, ёмонлик Худодан ҳам, табиатдан ҳам келиб чиқмайди, танада ҳам пайдо бўлмайди, балки у инсоннинг қалбида ҳосил бўлади. Инсон ички оламини ҳар томонлама ўрганган яна бир машҳур христиан файласуфи Августиннинг фикрича, инсон яхшиликни билади, бироқ ундаги эрк ўзига бўйсунмайди, оқибатда у қилиши керак бўлмаган ишларни қилмайди. Бундай номутаносибликни Августин қалбнинг касаллиги, инсонни ўзи-ўзига бўйсунмаслиги оқибати, деб билади. Унинг фикрига кўра, инсон қалби ўта мураккаб бўлиб, унинг сиру-асрори, хатто ўзига ҳам маълум эмас. Бундай қалбга фақат Худонинг ўзи йўл топади. Мутафаккир фикрига кўра, замон (инсон босиб ўтган тарихий йўл) бу- инсон қалбининг ютуғи бўлиб, коинот ва унинг ҳаракати бўлмаса ҳам қалб сақланиб қолади ва қалб бор экан, замон ҳам бўлаверади.

Унинг фикрига асосан, замон мавжудлигининг шарти-қалбимизни тартибга солишдир. Буни келажакка бўлган умид, бугунги кунга бўлган эътибор ва ўтмиш билан алоқадор бўлган хотира орқали амалга оширилади. Инсон фақат табиатнинг маҳсули эмас, тарихий мавжудот ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, инсоннинг маънавий дунёси, унинг руҳий оламининг шаклланиш жараёни муаммолари кўплаб мутафаккирлар томонидан ўрганилган ва бу борада турли ёндашувларни илгари сурилган. Бироқ бугунги кунга қадар ҳам инсон қалби тўғрисида тугал ва мукамал нуқтаи назар илгари сурилмаган. Ижтимоий тараққётнинг жадаллашуви сабабли инсон қалбини ўрганиш зарурати янада ортиб бормоқда.

Библиография

1. ФАЛСАФА ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ. –Тошкент: Шарқ, 2004, –Б.110.
2. АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Мукошафатул қулуб. –Тошкент: Шарқ, 2006. –Б.19.
3. ПЛАТОН. Сочинения. В трех томах. Т. 3, ч. 1. –М.,1971. –С. 391.
4. Чориев А. Инсон фалсафаси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. –Б.59.
5. РУЗМАТОВА Г. Руҳият таҳлили фалсафаси. –Тошкент: Нишон-ношир, 2014. –Б. 264.
6. РАҲМОН ҚЎЧҚОР. Қалб илми эгаси // Жаҳон адабиёти. -2013. № 3. –Б. 177-179.
7. УЭЛЛС Г. КРАХ психоанализа. От Фрейда к Фромму. – Москва: Прогресс, 1968. –С.287.
8. ФАЙЗУЛЛАЕВ О. Нафс, жон ва руҳ. –Тошкент: Академия, 2008. –Б.62.
9. ФРЕЙД З. Я и Оно: сочинения. – Москва: Эксмо; Харьков: Фолио, 2009. –С.864.

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

2 MAHCUS SON

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL
SPECIAL ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000